

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ  
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

### **25 Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларини тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил  
14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2182*

*(2011 йил 24 январдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 16 августдаги 178-сон «Республиканинг олий таълим муассасаларини молиялаштириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 33-сон, 276-модда) 3-банди ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатлари (бундан буён матнда Намунавий штатлар деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

Намунавий штатлар олий таълим муассасаларининг бюджет маблағлари ва ўқитишнинг тўлов-контракт шаклидан тушадиган маблағлари бўйича 2010 йил учун тасдиқланган штатлар жадвалларида кўзда тутилган ходимлар сони доирасида, бошқарув ходимларининг белгиланган чекланган сонига риоя қилган ҳолда жорий қилинади;

Намунавий штатларни жорий қилиниши муносабати билан бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлар сонининг қисқартирилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади;

айрим олий таълим муассасаларининг штатлар жадвалларини тузишда, улар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини

ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Намунавий штатларда кўзда тутилмаган лавозимлар, таркибий тузилмалар ва ходимлар сони белгиланиши мумкин.

3. Олий таълим муассасаларининг ректорлари штат жадвалларини тасдиқланган Намунавий штатларга қатъий амал қилган ҳолда мослаштирилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири**

Тошкент ш.,  
2010 йил 15 декабрь,  
485/1-сон

**Б. ХОДИЕВ**

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазири**

Тошкент ш.,  
2010 йил 15 декабрь,  
200-КК-сон

**А. ХАЙТОВ**

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2010 йил 15 декабрь,  
107-сон

**Р. АЗИМОВ**

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2010 йил 15 декабрдаги 485/1, 200-КК, 107-сон қарорига  
ИЛОВА

**Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг НАМУНАВИЙ ШТАТЛАРИ**

Т/р	Таркибий тузилмалар ва лавозимлар номланиши	Талабаларнинг келтирилган контингенти											
		500 гача	501 дан 1000 гача	1001 дан 1500 гача	1501 дан 2000 гача	2001 дан 2500 гача	2501 дан 3000 гача	3001 дан 3500 гача	3501 дан 4000 гача	4001 дан 5000 гача	5001 дан 6500 гача	6501 дан 8000 гача	8000 дан юқори
А	Б	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
<b>I. РЕКТОРАТ</b>													
1.	Ректор (филиал директори)	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
2.	Ўқув ва илмий ишлар бўйича проректор (филиал директори ўринбосари)	1	1										
3.	Ўқув ишлари бўйича проректор (филиал директори ўринбосари)			1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
4.	Маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор (филиал директори ўринбосари)	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
5.	Илмий ишлар бўйича проректор (филиал директори ўринбосари)			мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади									
6.	Халқаро алоқалар бўйича проректор (филиал директори ўринбосари)	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
7.	Молиявий-иқтисодий ишлар бўйича проректор (филиал директори ўринбосари)	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
8.	Ректор ёрдамчиси							1	1	1	1	1	1
9.	Бош муҳандис	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											

Т/р	Таркибий тузилмалар ва лавозимлар номланиши	Талабаларнинг келтирилган контингенти											
		500 гача	501 дан 1000 гача	1001 дан 1500 гача	1501 дан 2000 гача	2001 дан 2500 гача	2501 дан 3000 гача	3001 дан 3500 гача	3501 дан 4000 гача	4001 дан 5000 гача	5001 дан 6500 гача	6501 дан 8000 гача	8000 дан юқори
А	Б	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
10.	Бош механик	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
11.	Бош энергетик	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
12.	Ихтисослаштирилган Кенгаш илмий котиби	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
13.	Илмий Кенгаш котиби	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
14.	Хуқуқшунос маслаҳатчи	1	1	1	1								
15.	1-тоифали хуқуқшунос маслаҳатчи					1	1	1	1	1	1	1	1
16.	Котиб — иш юритувчи	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
<b>II. «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» ВА ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШ БЎЛИМИ</b>													
1.	Бўлим бошлиғи	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
2.	Услубчи	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
3.	Иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўйича услубчи		1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
<b>III. МОНИТОРИНГ ВА ИЧКИ НАЗОРАТ БЎЛИМИ (1500 гача бўлган контингентда — МОНИТОРИНГ ВА ИЧКИ НАЗОРАТ СЕКТОРИ)</b>													
1.	Бўлим бошлиғи (сектор мудири)		1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
2.	Услубчи	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	2	2
3.	Инспектор					1	1	1	1	1	1	1	1
<b>IV. ЎҚУВ-УСЛУБИЙ БЎЛИМ ( 5000 дан ортиқ контингентда — ЎҚУВ-УСЛУБИЙ БОШҚАРМА)</b>													
1.	Бўлим (бошқарма) бошлиғи		1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
2.	Услубчи	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
3.	Сиртқи таълим бўйича услубчи	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
4.	Ўқув ишлари бўйича инспектор	1	1	1	2	2	2	2	2	2	2	2	2
5.	Диспетчер		1	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2
6.	Статист	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
<b>V. МАРКЕТИНГ БЎЛИМИ</b>													
1.	Бўлим бошлиғи		1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1

Т/р	Таркибий тузилмалар ва лавозимлар номланиши	Талабаларнинг келтирилган контингенти											
		500 гача	501 дан 1000 гача	1001 дан 1500 гача	1501 дан 2000 гача	2001 дан 2500 гача	2501 дан 3000 гача	3001 дан 3500 гача	3501 дан 4000 гача	4001 дан 5000 гача	5001 дан 6500 гача	6501 дан 8000 гача	8000 дан юқори
<b>A</b>	<b>Б</b>	<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>	<b>6</b>	<b>7</b>	<b>8</b>	<b>9</b>	<b>10</b>	<b>11</b>	<b>12</b>
2.	Ёш мутахассислар билан ишлаш бўйича катта инспектор	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
<i>Тўлов-контракт асосида ўқитиш бўйича шартномаларни расмийлаштириш ва ҳисобга олиш гуруҳи</i>													
1.	Катта инспектор				1	1	1	1	1	1	1	1	1
2.	Инспектор	1	1	1	1	1	1	1	1	2	2	2	2
<b>VI. ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ БЎЛИМИ</b> (2000 гача бўлган контингентда — ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА ИЛМИЙ-ПЕДАГОГИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ СЕКТОРИ)													
1.	Бўлим бошлиғи		1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
2.	Илмий-тадқиқот ишлари муҳандиси		1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
3.	Катта инспектор	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
<b>VII. ХАЛҚАРО БЎЛИМ</b>													
1.	Бўлим бошлиғи	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
2.	Услубчи	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
<b>VIII. АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАРКАЗИ</b>													
<i>Ахборот ва техник таъминот бўлими</i>													
1.	Марказ бошлиғи — ахборот ва техник таъминот бўлими бошлиғи					1	1	1	1	1	1	1	1
2.	Муҳандис-дастурчи (тоифасиз, 1, 2-тоифа)		1	1	1	1	2	3	3	3	3	3	3
3.	Муҳандис-электрончи (тоифасиз, 1, 2-тоифа)	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
4.	Техник-электрончи					1	1	1	1	1	1	1	1
5.	Компьютер зали мудир	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
<i>Ўқув-таълим ресурслари ва дастурий таъминотни татбиқ этиш бўлими</i>													
1.	Бўлим бошлиғи					1	1	1	1	1	1	1	1
2.	Тизимли дастурловчи		1	1	1	1	1	1	1	2	2	2	2
3.	Тармоқ ва маълумотлар банки маъмури		1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1

Т/р	Таркибий тузилмалар ва лавозимлар номланиши	Талабаларнинг келтирилган контингенти											
		500 гача	501 дан 1000 гача	1001 дан 1500 гача	1501 дан 2000 гача	2001 дан 2500 гача	2501 дан 3000 гача	3001 дан 3500 гача	3501 дан 4000 гача	4001 дан 5000 гача	5001 дан 6500 гача	6501 дан 8000 гача	8000 дан юқори
А	Б	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
4.	Муҳандис-дастурловчи (тоифасиз, 1, 2-тоифа)		1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
5.	Техник		1	1	1	1	1	1	1	2	2	2	2
<b>IX. КУТУБХОНА (Ахборот-ресурс маркази штат бирлигини аниқлашда қўлланилмайди*)</b>													
1.	Директор	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
2.	Директор ўринбосари	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
3.	Бўлим (сектор) мудирлари	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
4.	Услубчи	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
5.	Бош кутубхоначи	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
6.	Бош библиограф	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
7.	Етакчи кутубхоначи	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
8.	Етакчи библиограф	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
9.	Кутубхоначи (тоифасиз, 1, 2-тоифа)	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
10.	Библиограф (тоифасиз, 1, 2-тоифа)	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
11.	Муқоваловчи	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
12.	Муҳандис	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
13.	Нусха кўчириш-кўпайтириш ускунаси оператори	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
14.	Реставратор	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
<b>X. ТАҲРИРИЙ-НАШРИЁТ БЎЛИМИ</b>													
1.	Бўлим бошлиғи	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
2.	Муҳаррир	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
3.	Мусахҳих	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
4.	Техник муҳаррир	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
<b>XI. ФАКУЛЬТЕТ</b>													
1.	Декан	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											

Т/р	Таркибий тузилмалар ва лавозимлар номланиши	Талабаларнинг келтирилган контингенти											
		500 гача	501 дан 1000 гача	1001 дан 1500 гача	1501 дан 2000 гача	2001 дан 2500 гача	2501 дан 3000 гача	3001 дан 3500 гача	3501 дан 4000 гача	4001 дан 5000 гача	5001 дан 6500 гача	6501 дан 8000 гача	8000 дан юқори
А	Б	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
2.	Декан ўринбосари	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
3.	Инспектор	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
4.	Ўқув ишлари бўйича диспетчер	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
5.	Сиртқи таълим услубчиси	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
6.	Услубчи	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
7.	Котиб — иш юритувчи	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
<b>ХII. МАЛАКА ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ФАКУЛЬТЕТИ (МАРКАЗИ)</b>													
1.	Декан	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
2.	Услубчи	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
3.	Котиб — иш юритувчи	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
<b>ХIII. МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ</b>													
1.	Бўлим бошлиғи	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
2.	Услубчи	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
<b>ХIV. РЕЖА-МОЛИЯ БЎЛИМИ (500 гача контингентда — РЕЖА-МОЛИЯ СЕКТОРИ)</b>													
1.	Бўлим (сектор) бошлиғи		1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
2.	1-тоифали иқтисодчи	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
3.	2-тоифали иқтисодчи	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
<b>ХV. БУХГАЛТЕРИЯ</b>													
1.	Бош бухгалтер	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
2.	Бош бухгалтер ўринбосари		1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
3.	Бош бухгалтер ўринбосари — аудитор			1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
4.	Тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушган маблағларини ҳисобга олиш бўйича бухгалтер (тоифасиз, 1, 2-тоифа)			1	1	1	1	1	2	2	2	2	2
5.	Бухгалтер (тоифасиз, 1, 2-тоифа)	1	1	1	2	3	5	5	7	7	7	7	7
6.	Катта ғазначи					1	1	1	1	1	1	1	1

Т/р	Таркибий тузилмалар ва лавозимлар номланиши	Талабаларнинг келтирилган контингенти											
		500 гача	501 дан 1000 гача	1001 дан 1500 гача	1501 дан 2000 гача	2001 дан 2500 гача	2501 дан 3000 гача	3001 дан 3500 гача	3501 дан 4000 гача	4001 дан 5000 гача	5001 дан 6500 гача	6501 дан 8000 гача	8000 дан юқори
А	Б	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
7.	Фазначи	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
<b>XVI. ХОДИМЛАР БЎЛИМИ</b>													
1.	Бўлим бошлиғи		1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
2.	Катта инспектор		1	1	1	1	2	2	2	2	2	2	2
3.	Инспектор	1	1	1	2	2	2	2	2	2	2	2	2
<b>XVII. БИРИНЧИ БЎЛИМ</b>													
1.	Бўлим бошлиғи	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
2.	Катта инспектор	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
3.	Инспектор	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
<b>XVIII. ИККИНЧИ БЎЛИМ</b>													
1.	Бўлим бошлиғи	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
2.	1-тоифали муҳандис	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
3.	Катта инспектор	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
4.	Муҳандис	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
<b>XIX. ДЕВОНХОНА ВА АРХИВ</b>													
1.	Девонхона мудир	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
2.	Инспектор						1	1	1	1	1	1	1
3.	Иш юритувчи			1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
4.	Архив мудир				1	1	1	1	1	1	1	1	1
5.	Архиварнус	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
6.	Курьер	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
7.	Нусха кўчириш-кўпайтириш ускунаси оператори	1	1	1	1	1	1	2	2	2	2	2	2
<b>XX. ЎҚИТИШНИНГ ТЕХНИК ВОСИТАЛАРИ БЎЛИМИ</b>													
1.	Бўлим бошлиғи					1	1	1	1	1	1	1	1
2.	Ўқув жиҳозлари бўйича 1-тоифали муҳандис	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1



Т/р	Таркибий тузилмалар ва лавозимлар номланиши	Талабаларнинг келтирилган контингенти											
		500 гача	501 дан 1000 гача	1001 дан 1500 гача	1501 дан 2000 гача	2001 дан 2500 гача	2501 дан 3000 гача	3001 дан 3500 гача	3501 дан 4000 гача	4001 дан 5000 гача	5001 дан 6500 гача	6501 дан 8000 гача	8000 дан юқори
А	Б	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
3.	Муҳандис								1	1	1	1	1
4.	Техник		1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
<b>XXI. ФУҚАРО МУДОФААСИ ВА МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ БЎЛИМИ</b>													
1.	Бўлим бошлиғи						1	1	1	1	1	1	1
2.	Меҳнат муҳофазаси бўйича 1-тоифали муҳандис			1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
3.	Меҳнат муҳофазаси бўйича муҳандис	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
4.	Фуқаро мудофааси ва фавқулодда вазиятлар бўйича муҳандис	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
5.	Ёнғин хавфсизлиги бўйича инструктор	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
<b>XXII. ТЕХНИК-ФЙДАЛАНИШ ВА ХЎЖАЛИК БЎЛИМИ</b>													
1.	Бўлим бошлиғи		1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
2.	Муҳандис (тоифасиз, 1, 2-тоифа)	2	2	2	2	2	2	3	3	3	3	3	3
3.	Техник						1	1	1	1	1	1	1
4.	Қатта товаршунос	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
6.	Омбор мудир	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
7.	Омборчи	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
8.	Радиоактив моддалар омбори мудир	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
9.	Ёрдамчи ишчи	1	1	1	1	1	2	2	2	2	2	2	2
10.	Бино комендант	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
11.	Хўжалик мудир	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
12.	Диспетчерлик хизмати оператори	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
13.	Талабалар турар жойи мудир	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
14.	Бино ва иншоотларни жорий таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш бўйича ишчи:												
	слесарь-сантехник	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
	электромонтёр	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
	дурадгор	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											

Т/р	Таркибий тузилмалар ва лавозимлар номланиши	Талабаларнинг келтирилган контингенти											
		500 гача	501 дан 1000 гача	1001 дан 1500 гача	1501 дан 2000 гача	2001 дан 2500 гача	2501 дан 3000 гача	3001 дан 3500 гача	3501 дан 4000 гача	4001 дан 5000 гача	5001 дан 6500 гача	6501 дан 8000 гача	8000 дан юқори
А	Б	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
	Вентиляция ва кондиционерлаштириш тизимларини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш бўйича чилангар	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
15.	Пол пардозловчи	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
16.	Хизмат бинолари ва талабалар турар жойини тозаловчи фаррош	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
17.	Газпайвандловчи	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	2	2
18.	Гардеробчи	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
19.	Лифтчи	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
20.	Қоровул	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
21.	Боғбон	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
22.	Ховли супурувчи	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
23.	Ёрдамчи ишчи	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1	1
24.	Юкловчи	1	1	1	1	1	2	2	2	2	2	2	2
25.	Хўжалик бекаси	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
26.	Паспортгист	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
27.	Талабалар турар жойи директори	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
28.	Талабалар турар жойи директори ўринбосари	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
29.	Диспетчер — гараж бошлиғи	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
30.	Механик	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
31.	Ҳайдовчи	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
<b>XXIII. АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ (АТС)</b>													
1.	Станция бошлиғи	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
2.	Алоқа муҳандиси (тоифасиз, 1, 2-тоифа)	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
3.	Алоқа бўйича техник	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
4.	Алоқачи (алоқа электромонтёри)	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											

Т/р	Таркибий тузилмалар ва лавозимлар номланиши	Талабаларнинг келтирилган контингенти											
		500 гача	501 дан 1000 гача	1001 дан 1500 гача	1501 дан 2000 гача	2001 дан 2500 гача	2501 дан 3000 гача	3001 дан 3500 гача	3501 дан 4000 гача	4001 дан 5000 гача	5001 дан 6500 гача	6501 дан 8000 гача	8000 дан юқори
А	Б	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
<b>XXIV. ЎҚУВ-ЁРДАМЧИ ХОДИМЛАР</b>													
1.	Кабинет мудири	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
2.	Муҳандис	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
3.	Техник	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
4.	Қағда лаборант	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
5.	Лаборант	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
6.	Ишлаб чиқариш таълими устаси	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											
7.	Концертмейстер (етақчи концертмейстер)	мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади											

\* Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги ПҚ-381-сон «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисидаги» қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 25-26-сон, 228-модда) мувофиқ ташкил этилган ахборот-ресурс марказлари ходимларининг штат бирлиги мазкур Намунавий штатларнинг иловасига мувофиқ белгиланади.

Олий таълим муассасалари бошқарув,  
техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи  
ходимларининг намунавий штатларига  
ИЛОВА

**Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат  
кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимлари учун алоҳида  
лавозимларни киритиш  
МЕЪЁРЛАРИ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Олий таълим муассасалари (бундан буён матнда ОТМ деб юритилади) ходимларининг сони кундузги ва сиртқи таълим шаклларидаги талабаларнинг, шунингдек магистрантларнинг (бундан буён матнда талабалар деб юритилади) келтирилган контингентидан келиб чиққан ҳолда Олий таълим муассасалари бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг намунавий штатларига (бундан буён матнда Намунавий штатлар деб юритилади) мувофиқ аниқланади. ОТМ талабаларининг келтирилган контингенти жорий календарь йилнинг бошида амалда мавжуд талабалар сони асосида қуйидаги коэффицентларни қўллаган ҳолда ҳисобланади:

кундузги таълим талабалари учун — 1,0;

сиртқи таълим талабалари учун — 0,4.

2. Талабаларнинг келтирилган контингенти 8000 нафардан зиёд бўлган ОТМ ходимлари сони Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

3. ОТМ қошидаги ўқув телестудиялар, театрлар, ботаник боғлар, ўқув-илмий станциялар, базалар, полигонлар, музейлар, виварийлар, спорт иншоотлари (комплекслар) ва бошқаларнинг ходимлари сони Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги ПҚ-381-сон «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 25-26-сон, 228-модда) мувофиқ ташкил этилган ахборот-ресурс марказлари ходимларининг штат бирлиги ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

## II. ОТМда алоҳида тузилмалар ва лавозимларни киритиш нормативлари

### 1-§. Ректорат

5. Илмий ишлар бўйича проректор (филиал директори ўринбосари) лавозими талабаларнинг келтирилган контингенти 1000 нафардан зиёд бўлган ҳолда қуйидаги шартларнинг бири мавжуд бўлганида киритилади:

давлат гранти ёки хўжалик шартномаси асосида ОТМ томонидан илмий-тадқиқот ишларини бажарилиши ва ОТМда илмий-тадқиқот сектори, муаммовий лабораториялар ва бошқаларнинг мавжудлиги;

ОТМда стажёр-тадқиқотчи-изланувчи ва катта илмий ходим-изланувчилар институтининг мавжудлиги;

ОТМда диссертацияларни ҳимоя қилиш ва илмий унвонларни бериш бўйича ихтисослашган Кенгашларнинг мавжудлиги.

6. Халқаро алоқалар бўйича проректор (филиал директори ўринбосари) лавозими Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қарори асосида ОТМ томонидан халқаро фаолият юритилган тақдирда ҳамда хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик битимлари мавжуд бўлганида киритилади.

7. Бош муҳандис лавозими талабаларнинг келтирилган контингенти 2500 нафардан зиёд бўлган ҳолда ёки ОТМда мураккаб ўқув-лаборатория ва технологик асбоб-ускуналар мавжуд бўлганида киритилади. Асбоб-ускунани ўқув-лаборатория ва технологик жиҳатдан мураккаб жиҳозлар тоифасига киритилиши тасарруфида ОТМ бўлган вазирлик ёки идоранинг ҳулосаси асосида амалга оширилади.

8. Бош механик ва бош энергетик лавозимлари ОТМда 30 дан 50 минг кв.метр гача умумий ўқув-лаборатория, турар жой ва бошқа майдон мавжуд бўлганда киритилади.

50 минг кв.метр дан зиёд бўлган умумий ўқув-лаборатория, турар ва бошқа майдонга эга ОТМда Намунавий штатларга мувофиқ белгиланган ОТМ ходимларининг умумий сони доирасида бош механик ва бош энергетикларнинг бўлимлари алоҳида тузилиши мумкин.

9. Ихтисослашган Кенгашнинг илмий котиби лавозими илмий даражаларни олиш учун диссертацияларни қабул қилиш бўйича ихтисослашган Кенгаш ташкил этилган ОТМга 1 бирлик сонидан киритилади.

10. Илмий Кенгаш котиби лавозими ОТМда Илмий Кенгаш мавжуд бўлганида киритилади.

11. Котиб — иш юритувчи лавозими 1 бирлик ҳисобида ректор ва ҳар бир проректор учун алоҳида киритилади.

### 2-§. Ўқув-услубий бўлим (бошқарма)

12. Услубчи лавозими ОТМда кундузги таълим талабалари контингенти

2500 нафаргача бўлганда 1 бирлик белгиланади ва кейинги ҳар 1000 нафар талаба учун қўшимча 1 бирликдан киритилади.

13. Сиртқи таълим бўйича услубчи лавозими:

сиртқи таълим талабалари контингенти 500 дан 1000 нафаргача бўлганда — 1 бирлик;

сиртқи таълим талабалари контингенти 1001 дан 2000 нафаргача бўлганда — 2 бирлик.

2000 нафардан кейинги ҳар 1000 нафар сиртқи таълим талабалари учун қўшимча 1 бирлик сиртқи таълим бўйича услубчи лавозими киритилади.

### **3-§. Илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими (сектори)**

14. Катта инспектор лавозими ОТМда стажёр-тадқиқотчи-изланувчи ва катта илмий ходим-изланувчилар контингенти 100 нафардан зиёд бўлганида киритилади. Кейинги ҳар 100 нафар стажёр-тадқиқотчи-изланувчи ва катта илмий ходим-изланувчилар сонига қўшимча 1 бирлик катта инспектор лавозими киритилади.

### **4-§. Халқаро бўлим**

15. Халқаро бўлим Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қарори асосида ОТМ томонидан халқаро фаолият юритилган тақдирда ҳамда хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик битимлари мавжуд бўлганда ташкил этилади.

Халқаро бўлимда қуйидаги лавозимлар киритилади:

бўлим бошлиғи — 1 бирлик;

услубчи — 1 бирлик.

### **5-§. Кутубхона**

16. ОТМ кутубхона ходимларининг штат бирлиги ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

### **6-§. Таҳририй-нашриёт бўлими**

17. Таҳририй-нашриёт бўлими бошлиғи лавозими бўлимдаги ходимлар сони 5 бирлик ва ундан ортиқ бўлган ҳолларда киритилади. Ушбу бўлимда ходимлар сони 5 бирликдан кам бўлганда ОТМ раҳбари буйруғи билан бўлим бошлиғи вазифаси муҳаррирлардан бирига юклатилади.

18. Таҳририй-нашриёт бўлими ходимларининг штат бирлиги иш ҳажмига (муаллифлик варағи ҳисобидан) боғлиқ ҳолда киритилади:

1 бирлик муҳаррир лавозими ҳар бир 110 муаллифлик варағи учун;  
1 бирлик мусахҳих лавозими ҳар бир 210 муаллифлик варағи учун;  
1 бирлик техник муҳаррир лавозими ҳар бир 900 муаллифлик варағи учун.

### 7-§. Факультет

19. Кундузги таълим факультети декани лавозими факультетда: кундузги таълим талабалари сони 200 гача бўлганда — 0,5 бирлик; кундузги таълим талабалари сони 200 дан зиёд бўлганда — 1 бирлик киритилади.

20. Сиртқи таълим факультети декани лавозими факультетда сиртдан таълим олувчи талабалари сони 300 ва ундан ортиқ бўлганда киритилади. Сиртқи таълим талабалари контингенти факультетда 300 кишидан кам бўлганда, ОТМ раҳбари буйруғи билан сиртқи таълим факультети декани вазифалари тегишли таълим йўналишидаги кундузги таълим факультети деканига юклатилади.

21. Кундузги таълим факультети декани ўринбосари лавозими факультетда:

кундузги таълим талабалари сони 201 дан 400 гача бўлганда — 0,5 бирлик;

кундузги таълим талабалари сони 401 ва ундан зиёд бўлганда, кейинги ҳар 200 нафар талаба учун қўшимча 0,5 бирлик лавозим киритилади, лекин факультет учун 3 штат бирлигидан ошмаган ҳолда.

22. Ўқув ишлари бўйича диспетчери лавозими кундузги таълим факультетида талабалар контингенти сони 500 кишидан юқори бўлганда 1 бирлик, талабалар контингенти сони 1000 нафардан юқори бўлганда қўшимча 1 бирлик киритилади.

23. Сиртқи таълим услубчиси лавозими сиртқи таълим факультети учун 1 бирлик миқдорида киритилади.

24. Факультетларда котиб-иш юритувчи лавозими:

факультетда талабаларнинг келтирилган контингенти сони 200 дан юқори бўлганда — 1 бирлик;

факультетда талабаларнинг келтирилган контингенти сони 700 дан юқори бўлганда — 2 бирлик;

талабаларнинг келтирилган контингенти сони 700 дан юқори бўлганда, кейинги ҳар 1000 талабаларнинг келтирилган контингенти учун қўшимча 1 бирлик киритилади.

### 8-§. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети (маркази)

25. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети (маркази) декани лавозими малака ошириш ва қайта тайёрлаш тингловчиларининг сони ўртача йиллик ҳисобда:

100 нафаргача тингловчилар бўлганда — 0,5 бирлик;

100 нафардан ортиқ тингловчилар бўлганда — 1 бирлик киритилади.

26. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети (маркази) учун 1 бирлик услубчи лавозими киритилади.

27. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш факультети (маркази) учун 1 бирлик котиб — иш юритувчи лавозими киритилади.

### 9-§. Магистратура бўлими

28. Магистратура бўлими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида магистратура фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 190-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 37-38-сон, 384-модда) белгиланган штат бирликларига мувофиқ ташкил этилади.

Бунда, бўлим бошлиғи ва услубчи лавозимлари:

ОТМда магистрантлар сони 200 нафаргача бўлганида — 0,5 бирлик;

ОТМда магистрантлар сони 201 нафар ва ундан ортиқ бўлганда — 1 бирлик киритилади.

### 10-§. Биринчи ва иккинчи бўлим

29. Биринчи бўлимнинг бўлим бошлиғи ва инспектор лавозимлари ҳамда иккинчи бўлимнинг бўлим бошлиғи, 1-тоифали муҳандиси, катта инспектори ва муҳандиси лавозимлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда киритилади.

### 11-§. Техник-фойдаланиш ва хўжалик бўлими

30. ОТМда омборхоналар (омборлар) мавжуд бўлганида 1 бирлик омборхона мудир лавозими киритилади.

31. Омборчи лавозими алоҳида турувчи ҳар бир омборхона (омбор) учун 1 бирлик ҳисобидан киритилади, радиоактив моддалар сақланаётган омборхона бундан мустасно.

32. ОТМда радиоактив моддалар сақланаётган омборхона мавжуд бўлганида, 1 бирлик радиоактив моддалар сақланаётган омборхона мудир лавозими киритилади.

33. Бино коменданти лавозими ҳар бир алоҳида турувчи бино учун 1 бирликдан киритилади, талабалар турар жойлари бинолари бундан мустасно.

34. Хўжалик мудир лавозими 400 ва ундан ортиқ нафар талаба истиқомат қилувчи ҳар бир талабалар турар жойи учун 1 бирликдан киритилади.

35. ОТМда иссиқлик энергияси, газ таъминоти ва ёнғин хавфсизлиги марказлаштирилган бошқарув тугмаси мавжуд бўлганида кеча-кундуз иш-



ловчи диспетчерлик пости ташкил этилади ва ҳар бир постга 4 бирликдан иборат бўлган диспетчерлик хизмати операторлари лавозимлари киритилади.

36. Талабалар турар жойи мудир лавозими ҳар бир талабалар турар жойига 1 бирлик ҳисобидан келиб чиққан ҳолда киритилади.

37. Бино, иншоотлар ва жиҳозларни жорий таъмирловчи ва хизмат кўрсатувчи ишчилар лавозими қуйидагилар бўйича киритилади:

слесарь-сантехник — сув қувурлари, канализация ва иссиқлик қуввати билан жиҳозланган 2000 кв. метр майдон учун 1 бирлик;

электромонтёр — 500 ёритиш нуқталари учун 1 бирлик;

дурадгор — 2500 кв. метр майдон учун 1 бирлик, лекин ҳар бир ОТМ-га 1 бирлик лавозимдан кам бўлмаган ҳолда;

вентиляция ва кондиционерлаштириш тизимларини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш бўйича чилангар — 100 та марказдан қочувчи (центробеж) ва деразали ускуналарга хизмат кўрсатиш учун 1 бирлик лавозимда киритилади.

38. Пол пардозловчи лавозими 7500 кв. метр паркет поли учун 1 бирлик ҳисобидан келиб чиққан ҳолда киритилади.

39. Хизмат биноларини тозаловчи фаррош лавозими 550 кв. метр тозалаш майдони учун 1 бирлик ҳисобидан келиб чиққан ҳолда киритилади.

Хизмат биноларини тозаловчи фаррошларнинг қўшимча лавозимлари қуйидаги ҳолларда белгиланади:

икки сменада ишловчи ОТМларида — 550 кв. метр тозалаш майдони учун 0,12 бирлик лавозимдан келиб чиққан ҳолда;

иккидан ортиқ сменада ишловчи ОТМларида — 550 кв. метр тозалаш майдони учун 0,3 бирлик лавозимдан келиб чиққан ҳолда.

40. Талабалар турар жойини тозаловчи фаррош лавозими 550 кв. метр тозалаш майдони учун, яшаш ҳудуди бундан мустасно, 1 бирликдан келиб чиққан ҳолда киритилади.

41. Гардероб (жиҳозланган кийим сақлаш жойлари) мавжуд бўлганда бир сменада (лекин 2,5 сменадан ортиқ бўлмаган ҳолда) 250 та хизмат кўрсатиш жойлари учун 1 бирлик ҳисобидан келиб чиқувчи гардеробчи (кийим сақловчи) лавозими (мавсумий 6 ой) киритилади.

42. Лифтчи лавозими бир сменада (лекин 2,5 сменадан ортиқ бўлмаган ҳолда) бир бинода жойлашган ва фойдаланилаётган бир лифт ёки лифтлар гуруҳи учун 1 бирлик ҳисобидан келиб чиқиб киритилади.

43. Қоровул лавозими алоҳида турувчи бинонинг кеча-кундуз ишловчи бир қўриқлаш пости учун дам олиш ва байрам кунларини инобатга олган ҳолда 4 та бирликдан қўп бўлмаган ҳолда киритилади.

44. Боғбон лавозими ОТМнинг кўкаламзорлаштириладиган ҳар бир 2 га майдони учун 1 бирлик ҳисобидан келиб чиққан ҳолда киритилади.

45. Ҳовли супурувчи (дворник) лавозими ОТМнинг тозаланадиган 2500 кв. метр майдони учун 1 бирлик ҳисобидан келиб чиққан ҳолда киритилади.

46. Хўжалик бекаси (кастелянша) лавозими талабалар турар жойида

истиқомат қилувчи 250 кишига 0,5 бирлик ҳисобидан келиб чиққан ҳолда киритилади.

47. Паспортист лавозими:

талабалар турар жойида 500 кишигача истиқомат қилувчи ОТМ учун 0,5 бирлик;

талабалар турар жойида 501 нафар ва ундан ортиқ киши истиқомат қилувчи ОТМ учун 1 бирлик.

48. ОТМларида 1000 нафардан ортиқ киши истиқомат қиладиган уч ва ундан ортиқ бир-бирига яқин турувчи талабалар турар жойлари бинолари мавжуд бўлганида, талабалар турар жойлари талабалар шаҳарчасига бирлаштирилиши мумкин.

Талабалар шаҳарчаси ташкил этилганида, 1 бирликдан иборат бўлган талабалар шаҳарчаси директори лавозими киритилади.

Талабалар шаҳарчасида 2000 нафардан ортиқ киши истиқомат қилса, талабалар шаҳарчаси директори ўринбосари лавозими киритилади.

49. Диспетчер — гараж бошлиғи лавозими ОТМда сони 5 тадан кам бўлмаган автотранспорт воситалари бўлган транспорт хўжалиғи (гараж) мавжуд бўлганда киритилади. Сони 5 тадан кам автотранспорт воситаси мавжуд бўлса, ОТМ раҳбарининг буйруғига мувофиқ ОТМнинг маъмурий ходимларидан бирига гараж бошлиғи вазифаларини бажариш юкланади.

Сони 5 тадан ортиқ автотранспорт воситаси мавжуд бўлганида 1 бирлик механик лавозими киритилади.

50. Ҳайдовчи лавозими ОТМ балансида мавжуд ҳар бир фойдаланилаётган автотранспорт воситаси учун 1 бирлик ҳисобидан келиб чиққан ҳолда киритилади.

Автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини сақлаш ОТМнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

51. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 апрелдаги 154-сон «Бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилотларда хизмат енгил автотранспортдан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ходимлар сонига қараб, хизмат ва навбатчи автомашиналар учун қуйидаги чегаралар белгиланган:

1 та хизмат машинаси — ОТМ учун;

1 та навбатчи машина — ходимлар сони 100 нафаргача бўлганида;

2 та навбатчи машина — ходимлар сони 100 дан 200 нафаргача бўлганида;

3 та навбатчи машина — ходимлар сони 200 дан 300 нафаргача бўлганида;

4 та навбатчи машина — ходимлар сони 300 нафар ва ундан ортиқ бўлганида.

ОТМнинг таълим жараёни хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, талабалар контингентини инобатга олиб махсус автомашиналарга (юк автомашинаси, автобус) қуйидаги лимитлар ўрнатилади:

талабалар сони 5000 нафаргача бўлганда — 1 та махсус автомашина;

талабалар сони 5000 нафардан кўп бўлганда — 2 та махсус автомашина.

52. Қозонхонаси, вентиляция, компрессор, бойлер жихозлари, насос станциялари ва бошқа эксплуатация-коммуникация бўлинмаларига хизмат кўрсатувчи ходимларнинг штат бирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

### **12-§. Автоматлаштирилган телефон станция (АТС)**

53. ОТМда телефон станцияси мавжуд бўлган ҳолларда Автоматлаштирилган телефон станциясига қуйидаги лавозимлар киритилади:

300 дан ортиқ телефон боғламалари мавжуд ҳолда 1 бирлик станция бошлиғи лавозими;

1 бирлик алоқа муҳандиси лавозими;

1 бирлик алоқа бўйича техник лавозими;

хар 300 телефон боғламалари (параллел боғламалари билан биргаликда) учун 1 бирлик алоқачи (алоқа электр монтери) лавозими киритилади.

### **13-§. Ўқув-ёрдамчи ходимлар**

54. ОТМнинг ўқув-ёрдамчи ходимлари сони қуйидаги меъёрлар асосида аниқланади:

кафедрага 1 бирлик кабинет мудири лавозими;

техника, тиббиёт ва қишлоқ хўжалиги йўналишларидаги ОТМда лаборантларнинг штат бирлиги профессор-ўқитувчилар таркибига 1:7 нисбатда, бошқа ОТМда 1:10 нисбатда белгиланади;

Ўзбекистон миллий университети ва Тошкент давлат техника университетларида лаборантларнинг штат бирлиги профессор-ўқитувчилар таркибига 1:5 нисбатда белгиланади;

техника, тиббиёт ва қишлоқ хўжалиги йўналишларидаги ОТМ ҳамда Ўзбекистон миллий университетидаги катта лаборантларнинг штат бирлиги лаборантларга 1:3 нисбатда бошқа ОТМларида 1:5 нисбатда белгиланади;

муҳандис, техник ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг штат бирлиги тегишли жихозлар билан таъминланган жой мавжуд бўлганда лаборантларнинг сонига 1:10 нисбатда белгиланади;

санъат ва маданият йўналишлари бўйича тайёрловчи ОТМ ва факультетларда концертмейстер ва етакчи концертмейстерларнинг штат бирлиги таълим жараёнининг хусусиятларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишган ҳолда белгиланади.

55. ОТМнинг мурожаати ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг илтимосномалари асосида ўқув-ёрдამчи ходимлари сони мазкур меъёрлар асосида белгиланган ўқув-ёрдამчи ходимларнинг умумий штат бирлиги сонидан 20% дан кўп бўлмаган микдорга кўпайтирилиши мумкин.

#### **14-§. Техник-таъмирлаш ва тезкор қайта тиклаш хизмати**

56. Техник-таъмирлаш ва тезкор қайта тиклаш хизматининг штат бирликлари сони ва лавозимлари жорий ва капитал таъмирлаш ҳажмларидан, шунингдек, лойиҳа-смета ҳужжатларида назарда тутилган иш турларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Техник-таъмирлаш ва тезкор қайта тиклаш хизмати штат бирликларини сақлаш харажатлари ОТМнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади.

### **III. Яқуний қоидалар**

57. Ушбу меъёр асосида тузиладиган штат жадвалини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида рўйхатдан ўтказиш учун тақдим қилишда, унга ОТМни асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари тўғрисидаги материалларни (талабалар контингенти, бинолар сони, майдонлар ҳажми ва бошқалар) раҳбар, бош бухгалтер ва режа-молия бўлимининг бошлиғи томонидан имзоланган ҳолда илова қилишлари шарт.

58. Ушбу меъёр ҳамда ОТМнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичларига мувофиқ тузиладиган штат жадвалининг тўғрилиги юзасидан жавобгарлик ОТМнинг раҳбарлари ва режа-молия бўлими ходимларига юклатилади.